

**«Уз-Донг Вон Ко» АЖ шаклидаги  
Ўзбекистон-Корея қўшма  
корхонасинг навбатдан ташқари  
йиғилишининг  
“    ” \_\_\_\_\_ 2020йилдаги  
-сонли қарорига асосан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“ЎЗ-ДОНГ ВОН КО” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ  
ШАКЛИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН-КОРЕЯ ҚЎШМА  
КОРХОНАСИНИНГ “ДИВИДЕНД СИЁСАТИ  
ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМИ**

## МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
II. ДИВИДЕНДЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ХИСОБЛАШ ТАРТИБИ .....	4
III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ .....	5
IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК <b>Ошибка! Закладка не определена.</b>	
V. МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ.	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	8

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низоми Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, “Уз-Донг Вон Ко” акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбек-Корея қўшма корхонасининг (бундан кейин матнда - Жамият) устави, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31 декабрь 2015 йилдаги №9-сонли баённомасига ва бошқа меъёрий-норматив ҳужжатлар мувофиқ ишлаб чиқилган.

В настоящем Положении приводятся общие вопросы, которые должны отражаться и раскрываться в дивидендной политике АО.

Ушбу Низомда акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсатида акс этирилиши ва ошкор этилиши керак бўлган умумий масалалар келтирилган.

2. Жамият дивиденд сиёсати акциядорларнинг фаровонлигини оширишга ва Жамиятнинг капиталини ошишини таъминлашга қаратилган. Ушбу Низом акциядорларни ва бошқа манфатдор шахслар шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсати тўғрисида хабардор қилинишга қаратилган.

Ушбу Низом Жамият Кузатув кенгашининг акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича ишлаб чиқишда ёндашувни амалга оширишга қаратилган.

Агар Жамият ягона акциядорига дивидендлар тўлаш билан боғлиқ қайсидир масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларининг ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни нормалари билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари билан Жамият устави ва ушбу Низом билан тартибга солинмаган бўлса, ундай тақдирда улар ягона акциядорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб ҳал қилинмоғи лозим.

3. Ушбу дивиденд сиёсати 2025 йилгача 5 йил муддатга ишлаб чиқилган.

Жамият ушбу даврда соф фойданинг 10 фоизини дивидендларни тўлашга йўналтиради.

Қолган маблағлар рентабеллик даражаси \_\_\_\_% бўлган инвестиция лойихаларни амалга ошириш учун йўналтирилади. Шу билан бирга, акциядорлар умумий йиғилиши соф фойдани уларни келгусида ривожлантириш ва техник қайта жихозлашга йўналтириш мақсадида, тақсимламасдан қолдириш ва дивидендларни тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

4. Жамият капиталлашувнинг ўсишини акциялардан даромад олишда ягона акциядорнинг мулкӣ қизиқишини қондиришнинг асосий усули сифатида қарайди. Дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият истеъмол қилинадиган фарқни оптималлаштириш ва акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият олган фойда қисмининг капиталлашувидан иборатдир.

5. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

шаффофлик тамойили, бунда дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги, шу жумладан, дивидендлар тўлови ва миқдори хусусида қарор қабул қилиш тартиби ва шартлари борасидаги ахборотларни аниқлаш ва ошкор этиш назарда тутилади;

ўз вақтидалик тамойили, дивиденд тўловларини амалга ошириш чоғида вақт чегараларини ўрнатишни назарда тутати;

асосланганлик тамойили, бу дивидендлар тўлови ва миқдори тўғрисидаги қарор, фақат Жамият ривожлантириш режалари ва унинг инвестициявий дастурларини инобатга олган ҳолда, ижобий молиявий натижаларга эришилган тақдирдагина қарор қабул қилиниши мумкинлигини англатади;

адолатлик принципи, бу акциядорларни дивидендларни тўлаш бўйича қабул қилинган қарорлар, миқдори ва тартиби тўғрисидаги маълумотни олишга тенг ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутати;

изчиллик тамойили, дивиденд сиёсати процедуралари ва тамойилларининг ижро этилишини англатади;

ривожланиш тамойили, корпоратив бошқарув процедураларини яхшилаш ва Жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан унинг қоидаларини қайта кўриб чиқиш доирасида дивиденд сиёсатини доимий такомиллаштиришни кўзда тутати;

барқарорлик тамойили, Жамиятнинг дивиденд тўловларининг муқаррар даражасини таъминлашга интилишини англатади.

6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига Жамият эга. Акциядорлар умумий йиғилиши акциялар бўйича дивиденд тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

7. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамиятнинг мажбурияти ҳисобланади.

8. Бошқарув қарорига асосан дивидендларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар (солиқларни ҳисоблаш ва ушлаб қолиш, дивидендларни ўтказиш харажатлари, почта харажатлари) дивидендни оладиган акциядорга юклатилиши мумкин эмас. Жамият ушбу мажбуриятларни бажармаганлиги учун акциядор олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавоб беради.

9. Қуйидаги акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди:

- жойлаштирилмаган;
- Жамият томонидан олинган ва/ёки қайта сотиб олинган;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

10. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 54-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

## **II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ**

11. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Шу муносабат билан, дивидендларни ўз вақтида тўлаш ва дивидендларни тўлаш учун маблағлар айланма мамлағларидан олиниши муносабати билан Жамиятнинг молиявий ахволи ёмонлашувини олдини олиш мақсадида жамият томонидан жамият фойдаси ҳисобидан умидсиз дебиторлик қарзлари учун захира яратилади.

12. Акциядорлар умумий йиғилиши ҳар бир акция тури бўйича дивиденд тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади. Жамият Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендларни миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бўради. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

13. Дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарор (эълон) билан қуйидагилар аниқланиши лозим:

- дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) акцияларнинг тоифаси (тури)ни;
- муайян тоифадаги битта акцияга тўланадиган ҳисобдан келиб чиққан ҳолда дивиденд миқдорини;
- дивидендлар тўлаш муддати, тартибини ва даврийлигини.

Шу билан бирга, Жамият акциялар бўйича дивидендлар ҳисоблаш (тўлаш) ҳамда қонунчиликда белгиланган муддатларда оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлик тўла олмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

14. Акциядорлар умумий йиғилишига акциялар бўйича тавсия этиладиган дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан қуйидаги омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

- ишончли аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисоботга мувофиқ соф фойда миқдори;
- келгуси даврлар учун Жамиятнинг молиявий-хўжалик режасини;
- тегишли давр охирида Жамиятнинг жорий активлари таркиби тузилишини;
- Жамиятнинг тегишли давр охиридаги қарз юкидан.

15. Тавсия этиладиган дивидендлар миқдорини аниқлаш чоғида Кенгаш Жамиятнинг келгуси даврларга мўлжалланган молиявий-хўжалик режаларини, Жамиятнинг муомалада бўлган воситалари ва мажбуриятларининг жорий ва истиқболдаги ҳолатини эътиборда тутмоғи лозим. Жамият ягона акциядори Кенгаш томонидан тавсия этиладиган дивидендлар тўлови, Жамият томонидан келгуси даврлар учун тасдиқланган молиявий-хўжалик режасида кўзда тутилмаган қўшимча қарзга оид молиялаштиришлар жалб этилишига олиб келмаслиги лозим.

### **III. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

16. Жамият дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Жамият эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ёки Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

17. Дивидендларни тўлаш муддати акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади, бироқ акциядорлар умумий йиғилиши қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

18. Агарда Жамиятнинг қимматли қоғозлари эгалари қўшиб ҳисобланган дивидендларни ягона акциядори томонидан белгиланган муддатларда ололмаган бўлсалар, Жамият бундай (олинмаган) дивидендларни тўлашда давом этади. Олинмаган дивидендларни тўлаш даври Жамият томонидан эълон қилинган дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятини ижро этиш муддати тугаган санадан бошлаб уч йилдан ошмаслиги лозим.

19. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

20. Ўз вазифалари қаторида акциядорлар билан ишлашни ташкил этиш ва амалга ошириш бўлган Жамиятнинг таркибий бўлинмаси Жамият бухгалтерия бўлими билан биргаликда ушбу Низомда кўзда тутилган жамият томонидан дивидендларни тўлашни ташкил этиш билан боғлиқ барча тадбирларни тайерлайди, мувофиқлаштиради ва амалга оширади.

21. Хар қандай акционер Жамиятга акциялар бўйича дивидендларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби, дивидендларни ҳисоблаш ва солиққа тортиш тартиби, дивидендлар миқдори ва тўлаш тартиби бўйича сўровнома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

22. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

23. Агар акциялар умумий мулкда бўлсалар, дивидендлар белгиланган тартибда акциядорлар ўртасида уларнинг улушига муносаиб равишда тақсимланади.

24. Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

25. Агарда акциядор ўзининг банк реквизитларини ёки дивидендларни ўтказиш манзилени нотўғри кўрсатган бўлса ёки кўрсатиб ўтилган реквизитлар ҳақида Жамиятга хабар бермаган бўлса ёхуд улар ҳақида ўз вақтида хабар қилмаган бўлса, булар туфайли акциядорга етказилган зарарлар учун Жамият жавобгар ҳисобланмайди. Ушбу бандда кўрсатилган сабаблар туфайли акциядорнинг айби билан нотўғри ўтказилган дивидендлар суммаси Жамиятга қайтарилгандан сўнг, уларни акциядорга аниқлаштирилган реквизитлар бўйича такрорий ўтказиш уларни қайтариш ва такрорий ўтказиш учун кетган харажатлар ушлаб қолинган ҳолда амалга оширилади.

26. Жамият ягона акциядорга ўзига тегишли акциялар бўйича даромадларни тўлаш чоғида солиқ агенти ҳисобланади ва қўшиб ҳисобланган дивидендларни тўлашни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозлардан олинadиган даромадлар учун ўрнатилган солиқларни ушлаб қолган ҳолда амалга оширади. Ўзига нисбатан солиққа тортишнинг стандарт ставкалари қўлланилмайдиган акциядор, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатларни Жамиятга (унинг тарафидан жалб этилган тўлов агентига) тақдим этади.

#### **IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛОВИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

27. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

28. Дивидендларн тўлашда, акциядорларнинг ҳеч бири тўлов муддати жихатидан афзаликларга эга эмас.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Шу билан бирга Жамият йирик акциядорга дивидендларни тўлашга ҳақли эмас, агар натижа миноритар акциядорларга дивидендлар ўз вақтида тўланиши таъминланмаса.

29. Жамият акциядорларига дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш учун Жамиятнинг Ижроия органи жавобгар ҳисобланади. Ижроия органи ҳаракатлари устидан назорат Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан Тафтиш комиссияси билан биргаликда амалга оширилади.

30. Ҳисобланган дивидендлар тўловини таъминлаш мақсадида Жамият Кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидендлар тўловининг амалга оширилиши бўйича масалани кўриб чиқади. Жамият Ижроия органи раҳбарининг айби билан дивидендлар тўлиқ ёки ўз вақтида тўланмаган тақдирда Жамият Кузатув кенгаши айбдор шахсларнинг жавобгарлиги чораларини белгилайди ва тегишли санкциялар қўллайди ёки уларни қўллашни ташаббуслаштиради.

31. Акциядорлар, Жамият томонидан ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганда, эълон қилинган дивидендларни тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

32. Дивидендлардан солиқ ушлаб қолиш ва ўтказиш юзасидан Жамият зиммасига юклатилган солиқ агенти мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада

бажармаганлик учун Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавоб беради.

## **V. АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ**

33. Ушбу Низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият томонидан Жамият бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган йиғилиш баённомаси имзоланган кундан кейин ўн кунлик муддатда Жамиятнинг интернет тармоғидаги веб-сайтида ошкор этилади.

34. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият қонунчиликда белгиланган муддатларда ахборотни муҳим факт шаклида ошкор этади. Шу билан биргаликда, Жамият акциядорларга электрон почта орқали уларга ҳисобланган дивидендлар тўғрисида хабарномани юборади.

35. Жамият томонидан дивидендлар тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини ижро этганлик фактига доир тегишли ахборотни Жамият муҳим фактлар тўғриси хабарлар шаклида қонунчиликда ўрнатилган муддатларда ошкор этади.

## **VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

36. Ушбу Низом ва унга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

37. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши, Жамият тафтиш комиссияси, Жамият ички аудит хизмати ва Жамият ижроия органи раҳбари томонидан киритилади.

38. Агарда мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан ва/ёки Жамият Устави билан зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ҳамда Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар мазкур моддалар билан тартибга солинувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига асосида иш кўриш кўрилади.